

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

6-НИЛ ЧИҚИШИ

№ 4 (1266)

6

ЯНВАРЬ
СЕШАНБА
1959 ЙИЛ

БАҲОСИ
20 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ўзбекистон ССР Олий Советига ва меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларига сайловлар ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон ССР тўртинчи чақириқ Олий Совети депутатларининг ваколатлари 1959 йил 27 февралда тугаши ва олтинчи чақириқ маҳаллий Советлар депутатларининг ваколатлари 1959 йил 3 мартда тугаши муносабати билан Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Советининг Президиуми қарор қилади:

Ўзбекистон ССР Олий Советига ҳамда меҳнаткашлар депутатлари облаьсти, район, шаҳар, посёлка ва қишлоқ Советларига сайловлар 1959 йил 1 март якшанба кунига таъинланси.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. РАШИДОВ,
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ж. ИЛҲОМОВА.

1959 йил 4 январь Тошкент шаҳри.



Суратда: Ўзбекистон ССР тўртинчи чақириқ Олий Совети еттинчи сессиясининг мажлислар залида. Мизбарда республика Давлат план комиссиясининг Раиси депутат С. К. Зиеддуллаев.

А. Палехов фотоси.

Космик ракетани яратишда ва учуришда қатнашган олимларга, инженерларга, техникларга, ишчиларга, барча ходимлар коллективига

Қўп босқичли космик ракетани яратилганлиги ва унинг 1959 йил 2 январда Ойга томон муваффақиятли учурилганлиги совет фани ва техникасининг буюк муваффақиятини нишонлайди. Совет космик ракетасининг биринчи планеталараро учини космос бўшлиғини ўрганишда янги шонли саҳифа очилди ва озод совет халқининг ижодий генийсини ҳамда жаҳонда социализм галаба қилган биринчи мамлакат меҳнаткашлари эришган буюк илмий техника тараққийини бутун инсониятга намойиш қилиб кўрсатади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети космик ракетани яратишда ва учуришда қатнашган олимларни, инженерларни,

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

техникларни, ишчиларни, барча ходимлар коллективини қизғин табриқлайди.

Азиз ўртоқлар! Партия, Ҳукумат ва барча совет кишилари сизларнинг фидокорона меҳнатингизни юксак даражада қадрлайдилар ҳамда сизлар жаҳон аҳамиятига эга бўлган янги кашфиётларингиз ва муваффақиятларингиз билан севикли Ватанимизни ва бутун прогрессив инсониятни яна кўп марта кўзонтисасиз, деб қаттиқ ишонч билдирадилар.

Табият сирларини очини ва унинг кучларини инсоният бахт-саодатига хизмат қилдиришда янги йўллари очиб берган совет фани ва техникаси меҳнаткашларига шон-шарафлар бўлсин!

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

Ойга томон космик ракета учурилганлиги тўғрисида ТАСС АХБОРОТИ

Радитехника системалари ёрдами билан совет космик ракетаси траекторияси устида ўтказилган ўлчовлар ракета ҳаракати параметрлари тўғрисида аниқ маълумотлар олишга имкон берди. Бу аса ракетадан олинган маълумотларнинг аниқ ҳисоблаб чиқини ва ракетанинг ҳаракати тўғрисида узоқ вақт учун олдиндан маълумот бериш имкониятини тугдириди. Ана шу маълумотлар ёрдами билан Кўш системасининг сунъий планетаси сифатида космик ракета орбитасининг элементлари ҳам аниқланди.

Дастлабки ҳисобларнинг маълумотларига кўра, космик ракета Кўшнинг сунъий йўлдоши, яъни сунъий планета орбитасига чиқиб, доира чизиги яқинида ҳаракат қилади. Сунъий планета орбитасининг энг катта диаметри 343,6 миллион километрга барабар бўлади. Кўш атмосферини айланиб чиқини даври аса 15 ойиқ ташкил этади. Эллиптик орбитанинг эксцентриситети 0,148 га барабар бўлади. Сунъий планета орбитасининг катта ўқи аса, Ер орбитасининг катта ўқи билан 15 градустга барабар бурчакни ташкил этади. Унинг орбитасининг текислиги амалда Ер орбитасининг текислиги билан бир хилдир.

Совет сунъий планетаси орбитада ҳаракат қилиб, 1959 йил 14 январда Кўшга энг яқин нуқтага (перигелий) етади ва буندا ундан қарийб 146,4 миллион километр узоқда бўлади. Сунъий планета (афелий) этади, яъни ундан 197,2 миллион километр узоқда бўлади.

Координация-ҳисоб маркази космик ракета траекториясининг ўзгаришларига доир жуда кўп материалларни ишлаб чиқмоқда ва космик ракетанинг ҳаракати параметрларини аниқламоқда.

Совет сунъий планетаси орбитада ҳаракат қилиб, 1959 йил 14 январда Кўшга энг яқин нуқтага (перигелий) етади ва буندا ундан қарийб 146,4 миллион километр узоқда бўлади. Сунъий планета (афелий) этади, яъни ундан 197,2 миллион километр узоқда бўлади. Координация-ҳисоб маркази космик ракета траекториясининг ўзгаришларига доир жуда кўп материалларни ишлаб чиқмоқда ва космик ракетанинг ҳаракати параметрларини аниқламоқда.

Совет космик ракетасининг учуши

4 ЯНВАРЬ СОАТ 22 ДА

Совет космик ракетаси Ердан, ва Ойдан узоклашиб бормоқда. 4 январь соат 22 да, ракета Ердан 510 миң километр узоқда эди. Ракетанинг ўша вақтдаги координатлари куйидагича бўлди. Тик кўтарилиши—14 соат 17 минут, оғини — минус 14 градус 15 минут. Ракета 4 январь соат 22 да Ойдан 180 миң километр узоқлашди.

4 ЯНВАРЬ СОАТ 13 ДА

4 январь соат 13 да ракета Ернинг айланishi сабабли, Совет Иттифоқи территориясида жойлашган кузатини станцияларига кўринадиган зонадан чиқиб кетди. Ракета 5 январь соат 1 да яна кўринадиган зонага чиқди. (ТАСС).

5 ЯНВАРЬ СОАТ 4 ДА

5 январь Москва вақти билан соат 4 да совет космик ракетаси ўз

ҳаракатини давом эттириб, Ердан 550 миң километр ва Ойдан 235 миң километр узоқлашди.

5 январь Москва вақти билан эрталаб соат 4 да ракетанинг координатлари куйидагича бўлди: тик кўтарилиши 14 соат 18 минут ва оғини минус 15 градус 11 минут. (ТАСС).

Гарольд МАКМИЛЛАН.

1959 йил 4 январь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Обой номидаги Қозоқ Давлат академик опера ва балет театрини Ленин ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Обой номидаги опера ва балет театрининг қозоқ совет музыкали драма санъатини ривожлантиришда катта хизматларини тақдир-

лаб ҳамда Қозоғистон ССР санъати ва адабиётининг Москва шаҳрида ўтказилган декадаси муносабати билан Обой номидаги Қозоқ Давлат академик опера ва балет театрини Ленин ордени билан мукофотланди.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси

К. ВОРОШИЛОВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари

М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль 1959 йил 3 январь.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг 1959 йил 5 январдаги мажлислари тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1959 йил 5 январда Тошкентда Ўзбекистон ССР Олий Советининг Мажлислар залида Ўзбекистон ССР тўртинчи чақириқ Олий Советининг еттинчи сессияси очилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Раиси - депутат О. Ҳақимов сессияда раислик қилади.

Сессия кун тартибига куйидаги масалалар бир овоздан киритилди: 1. Ўзбекистон ССР халқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг 1959 йилги Давлат пини тўғрисида. (Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан киритилади).

2. Ўзбекистон ССРнинг 1959 йилги Давлат бюджети ҳақида ва Ўзбекистон ССРнинг 1957 йилги Давлат бюджетининг бажарилиши тўғрисида. (Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан киритилади).

3. Меҳнаткашлар депутатларининг облаьсти, шаҳар ва посёлка Советлари тўғрисида Низом. (Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми томонидан киритилади).

4. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш. (Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми томонидан киритилади).

Бу масалаларни кўриб чиқини тартиби тасдиқланди.

Сессия биринчи мажлисида кун тартибидagi дастлабки икки масалага доир докладларини тинглади Республика Давлат план комиссиясининг раиси депутат С. К. Зиеддуллаев «Ўзбекистон ССР халқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг 1959 йилги Давлат пини тўғрисида» доклад қилди. Республика Молия министри депутат В. Муродхўнаев «Ўзбекистон ССРнинг 1959 йилги Давлат бюджетини ҳақида ва Ўзбекистон ССРнинг 1957 йилги Давлат бюджетининг бажарилиши тўғрисида» доклад қилди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Бюджет комиссиясининг кўшимча докладни ҳам тинганди. Кўшимча докладни шу комиссиянинг раиси депутат Т. Рўзибоев қилди.

Биринчи мажлисида тингланган докладларни муҳокама қилиш бошланди. Музокараларда депутат И. И. Эгамбердиев (Тошкент шаҳар, Нарманов сайлов округи), депутат Н. Жапоёв (Қорақалпоғистон АССР, Чимбой қишлоқ сайлов округи), республика қишлоқ ҳўжалиги министри Ж. Х. Хоназаров сўзга чиқдилар.

5 январда соат 15 да Ўзбекистон ССР Олий Совети еттинчи сессиясининг иккинчи мажлиси бўлди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети раисининг ўринбосари Н. Жапоёв раислигида ўтган мажлисида кун тартибининг дастлабки икки масаласи юзасидан музокаралар давом эттирилди. Тингланган докладларни муҳокама қилишда куйидагилар қатнашди: Бухоро облаьсти ижroiа комитетининг раиси Д. Н. Намозов, Самарқанд облаьсти ижroiа комитети раиси А. М. Маҳмудов, депутат М. Й. Йўлдошев (Наманган облаьсти Гулбоб сайлов округи), депутат А. Р. Раҳматуллаев (Қашқадарь облаьсти Чилди сайлов округи), депутат Х. А. Маърупов (Самарқанд облаьсти Қорабадал сайлов округи), депутат И. Ашууров (Андижон облаьсти Ленинбод сайлов округи), депутат К. Екүбонов (Сурхондарь облаьсти Денов қишлоқ сайлов округи), депутат В. Г. Горов (Тошкент шаҳар, Тошкент—Фрунзе сайлов округи), депутат Х. Д. Жапилов (Тошкент облаьсти Паркент сайлов округи), депутат Х. Ю. Юнусов (Фаргона облаьсти Езвон сайлов округи), депутат Н. М. Муродов (Наманган облаьсти Тошбулоқ сайлов округи).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАΡΤΙΑСИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ XIV СЪЕЗДИ ДЕЛЕГАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маълум қиладики, Ўзбекистон Компартиясининг наватдан ташқари XIV съезди 1959 йил 7 январь эрталаб соат 10 да Навоий номидаги театр биносида очилади.

Делегатлар бугун эрталаб соат 9 дан кеч соат 8 гача Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида рўйхатга олинади.

Бирлашган Араб Республикаси Президенти ГАМОЛ АБДИЛ НОСИР Жаноб Олийларига ҚОҲИРА.

Баланд Асуан тўғонининг биринчи навбат қисмини қуришда Бирлашган Араб Республикасига Совет Иттифоқининг иқтисодий ва техника ёрдами бериши тўғрисида Қоҳирада битим имзоланиши муносабати билан Сизга ва Бирлашган Араб Республикаси халқига Совет ҳукумати номидан самимий табриқлар йўлланганга ҳамда бу удуввор шиоотиини тезроқ қуриб бўлишда муваффақиятлар тилашга руҳлат этаёйсиз.

Биз аминмизки, Асуан тўғони қурилиши Бирлашган Араб Республикасининг миллий экономикасини мустақамлаш учун гоат катта аҳамиятга эга бўлади ва мамлакат саноатини ҳамда қишлоқ ҳўжалигини янада ривожлантириш учун, унинг аҳолисининг турмуш даражасини ошириш учун улкан база бўлади.

Бу буюк куралишда Совет Иттифоқи билан Бирлашган Араб Республикасининг биргаликда иштирок

этиши суверен давлатларнинг тинч-тотув яшаш принциплари ва тенг ҳуқуқлилик асосида бегараз ҳамкорлиги амалга оширилишининг аққол намунасирид.

Битим имзоланганлиги тўғрисидаги хабарни Совет Иттифоқи халқлари зўр мамнуният билан кутиб олдилар. Узар буни мамлакатлариниз ўртасида дўстона муносабатларнинг янада ривожланишига гаров деб билдилар.

Биз баланд Асуан тўғони Совет Иттифоқи билан Бирлашган Араб Республикасининг дўстона муносабатида дўстлик символи бўлади, деб умид қиламиз. Совет кишилари Бирлашган Араб Республикаси халқига бахт-саодат ва равнақ тилайдилар.

Н. ХРУШЧЕВ,
СССР Министрлар Совети Раиси.

Москва, Кремль
1958 йил 30 декабрь.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Министрлар Советининг Раиси НИКИТА ХРУШЧЕВ жанобларига МОСКВА

Баланд тўғон тўғрисида Совет Иттифоқи ва Бирлашган Араб Республикаси ўртасида Битим имзоланганлиги муносабати билан шахсан Уз номингиздан ва Совет ҳукумати номидан самимий табриқлар ва қизғин туйгулар ихроқ қилиб лутфан юботган мактубингизни зўб миннатдорчилик ва чукро мамнуният билан ўқидим. Биз Совет Иттифоқининг бизга бераётган самимий ёрдамини ҳамда унинг шу йўлдаги катта ҳаракатларини юксак даражада қадрлаймиз ва ҳурматлаймиз.

Бирлашган Араб Республикаси билан Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатлар ҳаммиз тинч-тотув яшаш ва тенг ҳуқуқлилик асосида ҳалол ҳамкорлик қилиш принципларида асосланб келди. Баланд Асуан тўғони биринчи навбат қисмини қуришда Бирлашган Араб

Республикасига Совет Иттифоқининг иқтисодий ва техника ёрдами бериши тўғрисида Битим имзоланиши иккала мамлакатимиз ўртасидаги бузилмас дўстликни мустақамлаш ишига самарали ҳисса бўлиб қўшилди.

Бирлашган Араб Республикасининг Ҳукумати ва халқ номидан ҳамда шахсан Уз номидан энг самимий ташаккур ихроқ қилишим билан ва иккала халқимиз ўртасида мавжуд бўлган дўстлик алоқала-ни бундан буён ҳам мустақамла-нади ва ривожланади, деб умид билдиришим билан хурсанман.

Шу фурсатдан фойдаланиб, Совет Иттифоқининг дўстона халқларига буюк муваффақиятлар ва шон-шухрат истаб, энг яхши тилавларини йўллайман.

ГАМОЛ АБДИЛ НОСИР

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Қозоғистон ССР санъат ходимларига СССР халқ артисти деган фахрий унвон бериш тўғрисида

Совет санъатини ривожлантиришда катта хизматлари учун ҳамда Москва шаҳрида ўтказилган қозоқ санъати ва адабиёти декадаси муносабати билан куйидагиларга СССР халқ артисти деган фахрий унвон берилиши:

1. Айманов Шакер Кенжетович — Қозоғистон ССР халқ артисти, бадий ва хроникал фильмлар Оламота киностудиясининг кинорежиссери.

2. Жаманова Роза Умбетовна — Қозоғистон ССР да хизмат кўрсатган артист, Обой номидаги Давлат академик опера ва балет театрининг солисти.

3. Кувонишбоев Қалибек — Қозоғистон ССР халқ артисти, Меҳнат Қизил Байроқ орденли Қозоқ Давлат академик драма театрининг артисти.

4. Сернебоев Ермеқ Бекмуҳамедович — Қозоғистон ССР халқ артисти, Обой номидаги Қозоқ Давлат академик опера ва балет театрининг солисти.

5. Тулебоев Муқан Тулебоевич — Қозоғистон ССР да хизмат кўрсатган санъат арбоби, композитор.

6. Харламова Валентина Борисовна — Қозоғистон ССР халқ артисти, Республика давлат рус драма театрининг артисти.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. ВОРОШИЛОВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль
1959 йил 3 январь.

